

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**  
Нукус тумани  
Ободонлаштириш бошқармаси болиғи  
Б.Қутмамбетов  
2022й



**Энг яхши таклифларни танлаш буйича харид қилиш  
хужжатлари**

Нукус тумани 2022 й

# УМУМИЙ ҚИСМ

## ЭНГ МАҚБУЛ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШДА ИШТИРОК ЭТИШ ТАКЛИФИ

### 1. Умумий ҳолат

1.1 Ушбу Энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатлари "Давлат харидлари тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (кейинги ўринларда Қонун) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 февралдаги "Лойиҳалашдан олдин, лойиҳа, тендер ҳужжатлари ва шартномалар экспертизасини ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ПҚ-3550 Қарори талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган. (кейинги ўринларда - қарор).

1.2 Энг яхши таклифларни танлаш мавзуси:, таъмирлаш ишлари учун лойиҳа смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва муаллифлик назаротини олиб бориш.

1.3 Энг яхши таклифларни танлаш таклифида бошланғич нархлардан ошмаслиги керак.

1.4 Хизматларни кўрсатиш бўйича техник топшириқлар энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларининг техник қисмида келтирилган.

1.5 Энг яхши таклифларни танлаш комиссияси йиғилишининг шакллари - онлайн.

### 2 Энг яхши таклифларни танлаш ташкилотчилари

2.1 Буюртмачининг номи –Нукус тумани Ободонлаштириш бошқармаси (бундан кейин "Буюртмачи" деб номланади).

2.2 Комиссиянинг ишчи органи Харид комиссияси (бундан кейин - " харид комиссия").

2.4 Энг яхши таклифларни танлаш камида беш аъзодан иборат Буюртмачи томонидан тузилган харид комиссияси томонидан ўтказилади.

### 3. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчилари

3.1 Мулкчилик шаклидан қатъий назар ҳар қандай юридик шахслар, шу жумладан кичик бизнес субъектлари иштирок этишлари мумкин 4.2 -бандда кўрсатилган юридик шахслар бундан мустасно.

### 4 Энг яхши таклифларни танлашни ўтказиш тартиби

4.1 Энг яхши таклифларни танлашда иштирок этиш учун танлаш иштирокчиси:

а) танлаш шартлари билан танишиш учун махсус маълумот порталида жойлаштирилган энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларининг электрон версиясини олиш (юклаб олиш);

б) Энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатлари талабларига мувофиқ энг мақбул таклифини тақдим этиш;

### 4.2 Иштирокчиларга нисбатан қўшимча талаблар:

Харид комиссияси томонидан ўтказиладиган дастлабки малака танловидан ўтган иштирокчиларнинг таклифлари кўриб чиқилади ва баҳоланади;

мазкур танлашни ўтказишда чет эллик етказиб берувчилар билан бир қаторда камида учта маҳаллий ишлаб чиқарувчилар иштирок этса, ушбу маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг таклифларини баҳолашда маҳаллий ишлаб чиқарилган товарларга нисбатан импорт товарларининг DDP (Ўзбекистон) нархидан 15 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда преференция берилади; таклифларни таъминлаш учун иштирокчи буюртмачини ҳисоб рақамига закалат тарзида харид қилиш ҳужжатларига мувофиқ харид предметининг бошланғич нархи жами суммасининг 3% миқдоридаги маблағни қўйидаги ҳисоб рақамларга ўтказиб бериши шарт:

### 4.3 Иштирокчиларнинг Энг яхши таклифларни танлашда иштирок этишлари тақиқланади:

Қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлиш;

"Буюртмачи" билан суд ёки арбитраж ҳолатида бўлиш;

Ягона реестрда виждонсиз ижрочилар;

Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлмаслиги.

4.4 Буюртмачи иштирокчини сотиб олиш тартиб-таомилларида қатнашишдан четлаштиради, агар:

иштирокчи тўғридан-тўғри ёки билвосита миждознинг ҳар қандай амалдаги ёки собиқ мансабдор шахсини ёки ходимини ёки бошқа давлат органини ҳар қандай шаклда иш ҳақи, иш таклифи ёки бошқа ҳар қандай қимматбаҳо нарсалар ёки хизматларни таклиф қилиш, бериш ёки беришга рози бўлиш. давлат харидлари жараёнида буюртмачининг ҳар қандай ҳаракатларини амалга ошириш, қарор қабул қилиш ёки ҳар қандай рақобат тартибини қўллаш;  
иштирокчи қонунни бузган ҳолда адолациз рақобат устунлиги ёки манфаатлар тўқнашувига эга

## **5. Танлаш таклифи ва уни рўйхатдан ўтказиш тартиби**

**5.1** Порталда эълон қилинган танлаш иштирокчилари танлаш эълонида кўрсатилган манзил бўйича эълонда белгиланган тартибда таклифлар киритадилар.

**5.2** Лойихачилар тақдим этилган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгардир;

**5.3** Танлаш таклифи қўйидагилардан иборат:

нарх қисми танлаш шартларига мос келиши ва қўйидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак: маҳсулот номи, хизматларнинг қиймати, умумий миқдори, тўлов шартлари, таклифнинг амал қилиш муддати, танлаш иштирокчилари томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза тақдим этиш мажбурийлиги ҳақидаги талаб ва бошқалар. Талабгор танловга қатнашиши билан ушбу шартларнинг барчасига розилигини билдиради. Ғолиб талабгор лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишда қабул қилинган барча лойиҳавий ечимларга ва шу орқали келиб чиқиши мумкин бўлган иқтисодий ва молиявий зарарларни қоплашга тўлиқ жавобгар бўлади.

**5.4** Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчилари энг яхши таклифларни танлашда қатнашиши учун қўйидаги ҳужжатларни тўлдириши керак.

**1-шакл Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар**

**2-шакл Энг яхши таклифларни танлашдаги объектга хос объектларда охириги уч йиллик иш тажрибаси**

**3-шакл Лойиҳа ишларини бажаришда фойдаланадиган лойиҳа ташкилотининг техника жихоз (оргтехника) лари рўйхати**

**4-шакл Қурилиш майдонини кўрганлик гувоҳномаси**

**5-шакл Объектнинг лойиҳалаштириш умумий графиги**

Шунингдек, иштирокчи таклифни, шу жумладан барча танлаш ҳужжатларини тайёрлаши керак, уларни сканерлаштирилган электрон шаклда маҳсул etender.uzex.uz порталига раҳбарнинг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган ҳолда жойлаштириши керак. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси ҳар бир лот бўйича фақат битта таклиф беришга ҳақли.

**5.5** Агар таклифлар бериш муддати тугаган пайтда харид комиссияси томонидан энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиларидан энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларида кўрсатилган талабларга мос келадиган камида иккита тижорат таклифи электрон шаклда тақдим этилган бўлса, энг яхши таклифларни танлаш ўтказилган деб топилади.

**5.6** Техник таклиф қўйидаги ҳужжатларни ўз ичига олиши керак: техник ҳужжатлар рўйхати (техник маълумотлар варақалари, фойдаланиш бўйича кўрсатмалар ва бошқалар ёки тақдим этилаётган хизматларнинг тўлиқ ва батафсил тавсифини ўз ичига олган бошқа ҳужжатлар).

**5.7** Ушбу танлашга илова қилинган нарх таклифининг мажбурий ҳужжатлари мавжудлигига қўйиладиган талаблар.

**5.8** Харид комиссияси фақат ушбу йўриқноманинг талабларига мувофиқ тайёрланган таклифлар учун жавобгардир.

**6 Энг яхши таклифларни танлаш тартиби, уларни баҳолаш тартиби ва мезонлари**

**6.1** Эълонда танлаш ўтказиладиган вақт сифатида кўрсатилган вақт, танлаш иштирокчилари томонидан тақдим этилган энг яхши таклифларни танлашни баҳолаш бўйича харид комиссияси.

**6.2** Таклифларни кўриб чиқишда барча ҳужжатларнинг мавжудлиги ва уларнинг тўғрилиги текширилади. Тегишли ҳужжатлар бўлмаган тақдирда, харид комиссияси ушбу таклифни кўриб чиқиш ва баҳолаш учун рад этишга ҳақлидир.

**6.3** Харид комиссияси энг яхши таклифларни танлаш ғолибини аниқлаш учун рад этилмаган таклифларни танлаш ҳужжатларида кўрсатилган мезонларга қараб баҳолайди.

**6.4** Танлаш иштирокчиси томонидан тақдим этилган ҳужжатларда мавжуд бўлган маълумотлар аниқланган тақдирда, харид комиссияси бундай иштирокчини танлашда қатнашишдан четлаштиришга ҳақлидир.

**6.5** Таклиф Қонун, меъёрий ҳужжатлар ва энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатлари талабларига мос равишда бўлишлари мумкин, белгиланган тартибда ишлашлари мумкин.

**6.6** Харид комиссияси агар уни тақдим этган танлаш иштирокчиси Қонунда ва қарор қабул қилинадиган талабларга жавоб бермаса ёки танлаш иштирокчиларининг таклифи бўйича энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатлари талабларига жавоб бермаса, таклифни рад этади.

**6.7** Тижорат таклифларини баҳолаш жараёнида Харид комиссияси талабгорлардан уларнинг таклифларига нисбатан тушунтиришлар сўраши мумкин. Ушбу процедура белгиланган тартибда расмий равишда, ёзма равишда, танлаш ташкилотчиси орқали амалга оширилади. Тушунтириш жараёнида таклифнинг моҳиятида, шунингдек нархнинг ўзгаришига йўл қўйилмайди.

**6.8** Энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатлари ва таклифида кўрсатилган мезонларга асосланиб шартномани бажариш учун энг яхши шартларни таклиф қилган танлаш иштирокчиси ғолиб ҳисобланади.

## **7 Томонларнинг жавобгарлиги ва мувофиқлиги махфийлик.**

**7.1** Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатларида назарда тутилган жавобгарлик қуйидагиларга тегишли кирувчи таклифлар ёзувларини юритадиган ва уларнинг хавфсизлиги ва махфийлигини таъминлайди Комиссия раиси ва аъзолари, шунингдек таклифларни ўрганиш учун тузилган ишчи гуруҳ аъзолари, маълумотларни ошкор қилиш, иштирокчилар, комиссиянинг бошқа аъзолари ва жалб қилинган экспертлар билан тил бириктиришга рухсат бериш, шунингдек бошқа ноқонуний ҳаракатлар учун. Шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаган (миқдорий, сифат ва техник кўрсаткичлар бўйича) энг яхши таклифларни танлаш ғолиби Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва ёки тузилган шартнома бўйича жавобгар бўлади.

№: \_\_\_\_\_ Сана: \_\_\_\_\_

Харид комиссияси

## КОРРУПЦИЯ КЎРИНИШЛАРИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАСЛИК БЎЙИЧА АРИЗА

Мен, \_\_\_\_\_ (харид тартиб-таомили иштирокчисининг номи кўрсатилади) товар етказиб бериш учун (таклиф этилаётган товар турлари кўрсатиб ўтилади) ўтказилаётган энг яхши таклифларни танлаш воситасидаги давлат харидида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик мажбуриятини оламан.

Мен коррупциянинг қуйидаги кўринишларига йўл қўймасликни кафолатлайман:

- Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай хатти-ҳаракатларни амалга ошириш;

- ўз мансаб ёки хизмат мавқеимдан шахсий манфаатларимни ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиш;

- танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларини қонунчиликка зид тартибда расмийлаштириш;

- танлаш бўйича харид қилиш тартиб-таомилларини қонунчиликка зид тартибда амалга ошириш;

- давлат харидлари субъектларига таъсир ўтказиш, жумладан, пора беришни таклиф қилиш, ваъда бериш, товламачилик қилиш, пора сифатида пул тўлаш, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бериш;

- манфаатлар тўқнашувига;

- танлашда иштирок этаётган бошқа иштирокчилар билан тил бириктириш;

- ишончсиз ёки бузиб кўрсатилган ахборотни тақдим этиш.

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этиш ҳолатлари аниқланган тақдирда қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортилишга розилик билдираман.

Раҳбарнинг Ф.И.Ш.: \_\_\_\_\_

Телефон/факс рақами: \_\_\_\_\_

Электрон почта манзили: \_\_\_\_\_

Имзо:

М.Ў.

## ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИСИ ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

Очиқ эркин савдолари иштирокчисининг номи \_\_\_\_\_

Манзили ва телефон (факс) рақами \_\_\_\_\_

Юридик мақоми \_\_\_\_\_

Гувоҳнома рақами ва санаси \_\_\_\_\_

Асосий фаолият тури (статистика идораси коди бўйича) \_\_\_\_\_

### Раҳбар ва унинг ўринбосарлари:

№	Ф.И.Ш.	Маълумоти (ўқув юрти, мутахассислиги, диплом № ва берилган санаси)	Иш тажрибаси (йил)	Эгаллаган лавозими	Эгаллаган лавозимида иш тажрибаси (йил)
1	2	3	4	5	6

### Асосий ва доимий ходимлар (ЛБМ, ЛБА ва етакчи мутахассислар)

Тартиб №№	Ф.И.Ш.	Маълумоти (ўқув юрти, мутахассислиги, диплом № ва берилган санаси)	Иш тажрибаси (йил)	Эгаллаган лавозими	Эгаллаган лавозимида иш тажрибаси (йил)
1	2	3	4	5	6

Корхона раҳбарининг имзоси \_\_\_\_\_

Тузиш санаси «\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 й.

М.Ў.

**ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШДАГИ ОБЪЕКТГА ХОС ОБЪЕКТЛАРДА  
ОХИРГИ УЧ ЙИЛЛИК ИШ ТАЖРИБАСИ**

*(Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг номи)*

№	Объект номи	Буюртмачи номи	Бажарилган ишлар бўйича	Сумма	Шундан йиллар бўйича		
					2019	2020	2021
	<i>Жами:</i>						

Корхона раҳбарининг имзоси \_\_\_\_\_

Тузиш санаси «\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 й.

М.Ў.

**ЛОЙИХА ИШЛАРНИ БАЖАРИШДА ФЙДАЛАНАДИГАН ЛОЙИХА  
ТАШКИЛОТИНИНГ ТЕХНИКА, ЖИХОЗ(ОРГТЕХНИКА)ЛАРИ РЎЙХАТИ**

<b>Тартиб №№</b>	<b>Номи</b>	<b>Маркаси</b>	<b>Сони</b>	<b>Ишлаб чиқарилган йили</b>
	<b>(орг техника)</b>			
	<b>(бошқалар)</b>			

Корхона раҳбарининг имзоси \_\_\_\_\_

Тузиш санаси «\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 й.

М.Ў.



**ТАШКИЛОТИ ТОМОНИДАН ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАНАДИГАН ҚУРИЛИШ  
МАЙДОНИНИ  
КЎРГАНЛИК ГУВОҲНОМАСИ**

Ушбу билан тасдиқланадики, мен \_\_\_\_\_ ,  
(Ф.И.Ш., лавозими)

\_\_\_\_\_ эълонига топшириғига биноан  
(энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси номи)

\_\_\_\_\_ объекти қурилиш майдончаси ва унга туташ  
(объект номи)

ҳудудларда бўлдим ва кўрув ўтказиб, ушбу объект бўйича лойиҳа ҳужжатларини шартнома асосида сифатли, тўла ва ўз вақтида бажарилишига, ишларни қийматига, ҳажмларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган турли шароитлар ҳамда бошқа ҳолат ва шароитлар билан танишдим ва объект учун ажратилган маблағни ҳисобга олиб, график қисми(чизмалар)ни батафсил ўргандим.

Буюртмачининг ваколатли вакили:

\_\_\_\_\_ *(Ф.И.О)*

\_\_\_\_\_ *ИМЗО*

Корхона раҳбарининг имзоси \_\_\_\_\_

Тузиш санаси

«\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 й.

М.Ў.

**ОБЪЕКТНИНГ ЛОЙИХАЛАШТИРИШ УМУМИЙ ГРАФИГИ**

(объект номи)

№	Ишлар номланиши	Ишларни бошлаш санаси	Ишларни тугатиш санаси

**Изоҳ:** Лойиха ишларининг умумий графигида ишларни умумий дастури (объектнинг хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда) ва уларни бажариш муддатлари кўрсатилади. Лойиха ишлари умумий графиги лойихачининг ишларни ва маълум участкаларни белгиланган муддатда якунлаш ва лойихалаштирилаётган объектда хавфсиз ва узлуксиз ишлар олиб бориш мажбуриятига таъсир кўрсатмаслиги керак.

Корхона раҳбарининг имзоси \_\_\_\_\_

Тузиш санаси

«\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.

М.Ў.

## ТАНЛОВ АХБОРОТ ЖАДВАЛИ

Ушбу бўлим танлов предмети бўйича ва танлов ҳужжатларнинг қўшимча маълумот ва талаблари махсус қоидаларини ўз ичига олади.

Т/р	Бўлим номи	Бўлимга изоҳлар
1.	Буюртмачи:	Нукус тумани Ободонлаштириш бошқармаси
2.	Объект номи:	Нукус тумани '01 010 ТQК142 Саманбай ОФЙ Жаксыбаев кучасини 0-0,209 км жорий таъмирлаш
3.	Танлов тури:	<i>Электрон</i>
4.	Танлов ҳужжатларини электрон шаклда юклаб олиш манзиллари:	<i>Etender.uzex.uz</i>
5.	Танлов ўтказиш тўғрисидаги эълон чоп этишга рухсат этилади:	<i>Etender.uzex.uz махсус ахборот портали</i>
6.	Танловда иштирок этишга қуйидаги танлов иштирокчиларига рухсат этилади:	<i>Лицензияга эга лойиҳа ташиқлотлари</i>
7.	Лицензия талаб этиладиган иш турлари (агар мавжуд бўлса):	<i>Лойиҳа олди ва лойиҳа смета ҳужжатларини ишлаб чиқиши</i>
8.	Танлов таклифларини тақдим қилиш муддатлари:	<i>Таклифларни тақдим этиши эълонда кўрсатилган муддатга қадар</i>
9.	Танлов ҳужжатининг тили:	<i>Давлат ва Рус тили</i>
10.	Танлов таклифларини баҳолаш муддати:	<i>Танлов таклифини тақдим этиши муддати тугагандан 5 кундан ошиши мумкин эмас</i>
11.	Буюртмачининг объект бўйича бошланғич нархи:	<i>15% ҚҚС билан бирга 41 544 978 сўм</i>
12.	Буюртмачи томонидан белгиланган муддати	<i>20 кун</i>
13.	Молиялаштириш манбаси:	<i>Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан</i>
17.	Лойиҳани молиялаштириш тартиби:	<i>Молиялаштириши шартлари: бўнак - танлов савдолари натижаларига кўра аниқланган лойиҳа ташиқлоти учун 30 %; жорий молиялаштириши - бажарилган ишларнинг ҳажмидан 100% миқдориди.</i>
18.	Шартнома тили:	<i>Давлат ва Рус тили</i>
19.	Шартнома валютаси:	<i>Сўм.</i>

**\*Изоҳ:** юқаридаги шақиллари фойданалиган ҳолда *Etender.uzex.uz* махсус ахборот порталига таклифларни жойлаштрил лозим бошқа шақиллардан фойдаланилса қуйладиган баллари пасайтирилади.